



# International Congress on Biological, Physical And Chemical Studies

*International Congress on Biological, Physical And Chemical Studies - is an international conference platform under open access policy. The conference is led by international expert members who take an objective approach to peer review, ensuring each research paper is reviewed, edited by authors and evaluated on its own scholarly merits and research integration. Publishing and joining on the proceeding of the International Congress on Biological, Physical And Chemical Studies will exsurre publishing experience and indexing possibilities on various global indexing.*

## ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ТОҒОЛДИ-ТОҒ ХУДУДЛАРИДА ЭЧКИЛАРНИНГ АНОПЛОЦЕФАЛЯТОЗЛАРИНИ ТАРҚАЛИШИ

**Ш.О. Эшматов**

*муствақил изланувчи. Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети*

**Аннотация.** *Қашқадарё вилояти тоғолди-тоғ ҳудудларидан Дехқонобод, Шахрисабз ва Китоб, туманлари аҳоли эчкиларида аноплоцефалитозларни тарқалиши ўрганилган.*

**Калит сўзлар:** *Anoplocephalidae, M.expansa, M.benedeni, Th. giardi, A.centripunctata, цестод, гельминт, мониезия, макрогельминтоскопия.*

**Кириш.** Аноплоцефалитозлар – гельминтоз касалликларидан бўлиб, Anoplocephata кенжа туркумига, Cyclophyllidea (Braun) туркумига, Cestoda синфига ва Plathelminthes типига мансуб бўлган гельминтларнинг ҳайвон организмида паразитлик қилиши натижасида келиб чиқади.

Аноплоцефалитозларнинг ҳайвонлар орасида тарқалиши уларнинг ёшларига боғлиқ бўлиб, айниқса 1,5-8 ойлик кўзи, улоқ ҳамда бузоқларда кўп учрайди. Масалан, бир ёшли майда шоҳли молларнинг 59% и зарарланган бўлса, бир ёшдан икки ёшгача бўлганлари 31% ва икки ёшдан ошган молларнинг атиги 15% и мониезиоз билан зарарланганлиги аниқланган. Катта ёшли моллар мониезиоз билан кам касалланиб, уларда нисбатан M.benedeni кўпроқ учрайди. Мониезиоз Ўзбекистон шароитида кенг тарқалган касаллик бўлиб, унга асосан ёш моллар чалинади.

Кейинги йиллардаги эчкилар аноплоцефалитозлари устида олиб борилган илмий тадқиқот натижалари (Б. Салимов, Т.Тайлаков, 2015, 2016) эчкиларда мониезиоз *Moniezia expansa*, *Moniezia benedeni*, *Avitellina centripunctata* лардан ташқари уларнинг янги турларининг учраши аниқланмоқда. Буларнинг барчаси фанда эчкиларнинг ичак цестодозлари кўзғатувчиларининг эпизоотологияси бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб боришни тақоза этади.

**Текшириш услублари.** Илмий тадқиқот ишлари Қашқадарё вилоятининг тоғолди-тоғ ҳудудларидан Дехқонобод, Шахрисабз ва Китоб, туманлари ҳудудларидаги аҳоли эчкиларида ҳамда Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети “Паразитология ва ветеринария ишини ташкил этиш” кафедраси қошидаги илмий лабораторияда олиб борилди.

Тадқиқотда Дехқонобод тумани ҳудудидан 28 бош, Шахрисабз туманида 32 бош Китоб тумани ҳудудида 24 бош, эчкилардан тезак намуналари олиниб макрогельминтоскопия усулидан кетма кет ювиш ва Фюллеборн усули ёрдамида текширувдан ўтказилди.

**Тадқиқот натижалари.** Қашқадарё вилоятининг Дехқонобод, Китоб ва Шахрисабз

туманларининг хуудларидаги эчкиларнинг анапцефалязозлар билан зарарланиш даражасини ўрганиш натижалари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

**Қашқадарё вилояти шароитида эчкиларни анапцефалязозлар билан зарарланганлик даражаси**

Т/р	Туманлар ва хайвонлар сони	Г е л ь м и н т б ў ғ и н л а р и т о п и л д и							
		M. expansa		M.benedeni		Th. giardi		A.centri punctata	
		со ни	фоизи	со ни	фоизи	со ни	фоизи	со ни	фоизи
1	Дехқонобод тумани 28 бош эчки	4	14,2	6	21,4	1	3,5	2	7,1
2	Шахрисабз тумани 32 бош эчки	4	12,5	7	21,8	2	6,2	3	9,3
3	Китоб тумани 24 бош эчки	3	12,5	5	20,8	1	4,1	2	8,3
	Жами 84 бош	11	13,1	18	21,4	4	4,7	7	8,3

Жадвалдан кўришиб турибдики Дехқонобод туманининг тоғли хуудлари аҳоли эчкиларининг тезаклари йиғиб олиниб гельминтокопрологик текширув усулларидан кетма-кет ювиш ва Фюллеборн усулларида текширилганда 28 бош эчкиларнинг 4 бошида *Moniezia expansa* бўғинлари топилди зарарланиш даражаси 14,2 фоизни ташкил этди. 6 бош эчкининг тезагида *Moniezia benedeni* бўғинлари борлиги қайд этилди, зарарланиш даражаси 21,4 фоизни ташкил этди. *Thysaniezia giardi* бўғинлари 1 бош эчкида топилди, зарарланиш даражаси 3,5 фоизни ташкил этди. *Avitellina centripunctata* бўғинлари 2 бош эчкининг тезагида топилиб гельминтлар билан зарарланиш даражаси 7,1 фоизни ташкил этди.

Шахрисабз туманининг тоғли хуудлари аҳоли эчкиларининг тезаклари текширилганда 32 бош эчкиларнинг 4 бошида *M. expansa* бўғинлари топилди зарарланиш даражаси 12,5 фоизни ташкил этди. 7 бош эчкининг тезагида *M.benedeni* бўғинлари борлиги қайд этилди, зарарланиш даражаси 21,8 фоизни ташкил этди. *Th. giardi* бўғинлари 2 бош эчкида топилиб зарарланиш даражаси 6,2 фоизни ташкил этган бўлса, *A.centripunctata* бўғинлари 3 бош эчкининг тезагида топилиб гельминтлар билан зарарланиш даражаси 9,3 фоизни ташкил этди.

Китоб туманининг тоғли хуудларининг аҳоли эчкиларининг тезаклари текширилганда 24 бош эчкиларнинг 3 бошида *M. expansa* бўғинлари топилди зарарланиш даражаси 12,5 фоизни ташкил этди. 5 бош эчкининг тезагида *M.benedeni* бўғинлари борлиги қайд этилди, зарарланиш даражаси 20,8 фоизни ташкил этди. *Th. giardi* бўғинлари 1 бош эчкида топилиб зарарланиш даражаси 4,1 фоизни ташкил этган бўлса, *A.centripunctata* бўғинлари 2 бош эчкининг тезагида топилиб гельминтлар билан зарарланиш даражаси 8,3 фоизни ташкил этди.

Туманлар бўйича жами 84 бош эчкиларнинг тезак намуналари текширилганда *M. expansa*нинг бўғинлари 11 та тезак намуналарида топилди. Эчкиларнинг *M. expansa* билан зараланиш даражаси 13,1 фоизни ташкил этди. *M.benedeni* кўғатувчиларининг бўғинлари 18та тезак намунасида қайд этилди зарарланиш даражаси 21,4 фоизни ташкил этди. *Th. giardi* бўғинлари 4 бош эчкида топилди, зарарланиш даражаси 4,7 фоизни ташкил этди. *A.centripunctata* бўғинлари 7 бош эчкининг тезагида топилиб гельминтлар билан зарарланиш даражаси 8,3 фоизни ташкил этди.

**Хулоса.** Қашқадарё вилоятининг Дехқонобод, Шахрисабз ва Китоб туманларининг тоғолди-тоғ хуудларидаги эчкиларнинг анапцефалязозлар билан зарарланиш

даражасини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, эчкилар аноплоцефалитозларининг тарқалишида биринчи ўринда *Moniezia benedeni* 21,4 фоиз, иккинчи ўринда *Moniezia expansa* 13,1 фоиз, учинчи ўринда *Avitellina centripunctata* 8,3 фоиз, тўртинчи ўринда *Thysaniezia giardi* 4,7 фоизда тарқалганлиги аниқланди.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Эргашев Э.Х., Абдурахманов Т.А. Чорва молларининг гельминтоз касалликлари. // Ўқув кўлланма. Тошкент “Меҳнат” Нашриёти, 1992. 208 б.
2. Салимов Б., Тайлоқов Т., Қурбонов Ш. Йирик ва майда шохли ҳай-вонларнинг ичак цестодозларини ўрганишнинг аҳамияти. // Гельминтологиянинг долзарб муаммолари. Термиз, 2014. 48 б.
3. Б.Салимов., Тайлоқов., Қурбонов Ш. О Распространении кишечных цестод овец и крупного рогатого скота в условиях Узбекистана. // “Regional innovation systems in agriculture” СамҚХИ 2015.С.294.
4. Б.Салимов., Тайлоқов., Қурбонов Ш. Қўйларнинг ичак цестодозлари кўзғатувчилари тўғрисида баъзи янги маълумотлар. // “Хайвонлар ва паррандаларда ўта хавфли касалликларнинг тарқалиши ва уларга қарши курашиш чоралари” мавзусидаги бешинчи халқаро конференция маърузалари материаллари тўплами. ВИТИ, Самарқанд, 2016. 362-365 б.
5. Б.Салимов., Тайлоқов., Қурбонов Ш. Авителлиноз кўзғатувчилари. // “Қишлоқ хўжалигида инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишнинг натижалари ҳамда истиқболдаги вазифалар”. Профессор-ўқитувчиларнинг илмий мақолалар тўплами. Самарқанд 2017.
6. Тайлақов Т.И. Эчкиларнинг ичак цестодозларини даволашда антгельминтикларни синовдан ўтказиш. // Ветеринария медицинаси журнали. Тошкент, 2018. №12. -Б. 18-20.
7. Юнусов Х.Б., Тайлақов Т.И. Эчкилар мониезиозини даволашда антгельминтикли минерал тузли яламани қўллаш. // Ветеринария медицинаси. Тошкент, 2022 йил №8. -Б. 12-13.
8. Юнусов Х.Б., Тайлақов Т.И. Тоғ ва тоғолди ҳудудларида эчкилар мониезиозини тарқалиши. // Ветеринария медицинаси. Тошкент, 2022. №9. -Б. 12-13.